

**Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 04.07.2025 санадаги
“Аср сурасининг тафсири ва ҳикматлари” мавзусидаги жума
тезисига
ИЛОВА**

Мухтарам жамоат! Ҳаётда огоҳлик ва хушёрлик ҳар бир инсон учун зарур фазилатдир. Шунинг учун ҳам динимиз ҳар бир мусулмонни огоҳ ва зийрак бўлишга, теварак атрофдаги воқеаларни англаб яшашга буюради. Қуръони каримда шундай дейилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا خُذُوا حِذْرَكُمْ...

“Эй иймон келтирганлар! Огоҳ бўлинглар (хушёрликни йўқотманглар)! ...” (Нисо сураси, 71-оят)

Бу оятда Аллоҳ таоло бевосита мўминларга огоҳликка чақиради. Кимлар билан бирга юрганимизни, кимларнинг гапига ишонганимизни ва қай йўлни танлаганимизни ҳам ўйлаб топишни ўргатади.

Азизлар! Кўпчилигимиз Сурияда сўнгги йилларда содир бўлаётган воқеаларни кузатиб турибмиз. Бу жараёнларда алдов йўли билан ушбу уруш ҳудудларига чақирилган юртдошларимиз, айниқса ёшлар ва аёлларнинг аянчли қисматида хабардормиз. Сохта даъватчиларнинг гўёки “динга хизмат”, “мазлум мусулмонларга ёрдам”, “жаннат” ваъдалари қанчадан-қанча инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

Лекин ҳақиқат ва воқелик ушбу ишларнинг барчаси ёлғон экани, алоҳида тоифалар манфаатлари учун уюштирилгани, асл мақсад ҳокимият эканини кўрсатди. Бу исбот талаб қилмас ҳақиқатдир.

Энг ачинарлиси шундаки, ҳанузгача баъзи юртдошларимиз ушбулардан тўғри хулоса чиқармагани, бу тарғиботларнинг катта ўйин эканини англамагани, ушбу гуруҳларнинг ғаразли мақсадларига алданаётгани кузатилмоқда. Ҳатто хориждаги меҳнат мигрантлари, ёшларимиз орасида мазкур ёлғон иддаоларга ишониб, ушбу ҳудудларга кетаётган ёки молиявий ёрдам кўрсатаётгани қайд этилмоқда.

Бугунги кунда интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали бундай тарғибот янада кучайган. Жорий йил бошидан то шу кунга қадар юртимиздан 100 дан зиёд ёшлар сохта ва ёлғон даъволарга ишониб Сурияга кетганлиги ачинарли ҳолдир. Улар оиласини, келажагини, юртини ташлаб, нимага кетмоқда? Улар кимлар томонига ўтиб, кимга қарши урушмоқда?

Бир ўйлаб кўрайлик: урушда қатнашиб, ҳалок бўлаётганларнинг аксарияти ким? Улар ҳам мусулмонлар! Кўшилган тараф ҳам мусулмон, қарши томон ҳам мусулмон. Унда бу қандай жиҳод бўлди?

Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида марҳамат қилдилар:

"مَنْ حَمَلَ عَلَيْنَا السِّلَاحَ فَلَيْسَ مِنَّا" (رواه الإمام البخاري عن ابن عمر رضي الله عنه)



яъни: **“Ким бизларга қарши қурол кўтарса, бизлардан эмас”** (Имом Бухорий ривоятлари). Маълумки, юртга ва халққа хиёнат энг катта хиёнатлардан ҳисобланади. Ҳадисдан кўриниб турибдики, халқига, диндошларига қарши қурол кўтаришни ҳаром қилган исломни ниқоб қилиб олиб, турли юртлардаги жангариларга қўшилиб кетаётганларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам **“бизлардан эмас”**, демоқдалар.

Шунингдек, маълумотларга кўра, Сурия ҳукумати Ўзбекистон фуқароларидан айримларини қўшинларга қарши урушда иштирок этгани учун бир неча йилга қамоқ жазосига ҳукм қилган. Бундай ҳолатлар оила ва жамият учун қайғули оқибатларга олиб келмоқда.

Азизлар! Ҳозирда Суриядан 2,5 миллионга яқин қочқинлар ўз уйига қайтмоқда. Лекин террорчи ташкилотлар учун тинч ҳаётни истаган қочқинлар қизиқ эмас. Улар учун энг қизиқ тоифа – бу ҳали ҳаёт ҳақида етарлича тафаккур қилмаган, алданиши осон бўлган ёшлардир. Уларни алдаш осон, мақсадларида фойдаланиш ундан-да осон. Ана шундай ҳолатлар бугун ҳам юз бермоқда.

Ҳозирда сохта даъватчилар тинч давлатда яшаб келаётган ёшларни хориждаги жангарилар тайёрловчи марказларга жўнатиш мақсадида дунёвий давлат ва жамиятни динсизликда айблаб, гўёки ҳижратга чиқиш фарз амал экани, “бунинг учун ҳеч кимнинг, ҳатто, ота-онанинг рухсатини олиш керак эмас” ёки “ота-онамиз бизни дунёга келишимизга сабабчи бўлган холос, ҳамма ишни ҳам уларни маслаҳатлари билан қилмаймиз” деган сохта тушунчаларни диндор ёшларга сингдиришга ҳаракат қилишлари ўрта асрлардаги хорижийларнинг амалидир.

Ватанни сотиш, ўз юрти ва ватандошларига зарар етказиш, ота-онани норози қилиб “оқ бўлиш” эса ислом таълимотида оғир гуноҳ ҳисобланади.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир киши келиб: **“Эй Аллоҳнинг Расули, мен ота-онамни йиғлаган ҳолда ташлаб, ҳижрат қилиш учун сизнинг ҳузурингизга келдим”**, деди. У зот алайҳиссалом эса: **“Ота-онанг олдиға қайтиб, уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай кулдиргин”**, деб жавоб бердилар.

Мухтарам жамоат! Биз ўз ёшларимизни асрашимиз керак. Гўёки миллатни, динни “ҳимоя қилиш” деган ниқоб остида минглаган мусулмонларнинг ҳаётига зомин бўлаётган фитначилар – миллат ва дин хоинларидир. Улардан ўзимиз ва ёшларимизни эҳтиёт қилишимиз лозим!

Аллоҳ таоло барчамизни солиҳ фарзандлардан қилиб, доим ота-оналаримизга яхшилик қилувчилардан қилсин! Турли фитна ва алдовларга тушиб қолишдан Ўз паноҳида асрасин! Омин!

